

CONTINUATION OF THE TRADITIONS OF THE GENRE DETECTIVE IN THE WORK "AND THERE WERE NONE"

F.B.Sadullaev
BSU, senior teacher
M.B.Ergasheva
BSU, student

Abstract: Agatha Christie is considered to be one of masters of the detective works in English literature. In the following paper literary criticism of the novel "And There Were None", its characters, setting, symbols, title are discussed. Furthermore, continuation of detective genre traditions in the novel is investigated by supporting some examples.

Key words: detective genre, murder, mystery, Agatha Christie, novel, setting, symbol, character.

Кириш. Агата Кристи ўзининг бир қатор романлари ҳамда ҳикоялари билан ўтмишдошларининг анъаналарини давом эттирган детектив асарлар устасидир. Унинг ижоди бизга XX асрнинг салкам эллик йилини камраб оладиган давр мобайнида инглиз детективининг модификациясини таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, Англиянинг ижтимоий-маданий ҳаётидаги турли соҳалари – кундалик ҳаёт, спорт ва дам олишда инглиз менталитетининг бадиий талқинини англашда ёрдам беради.

1940-йилларда Агата Кристининг шуҳрати энг чўққисига чиққан давр бўлди, бунга бўлиб ўтган урушнинг кам бўлсада, таъсири бор эди. Немис авиа ҳужумчилари бомба ёғдирган пайтда Англияда бомбадан қочиб, ертўлаларга тушганларида табиийки нон билан бирга Кристининг ҳам романини олишар эди. Бу уларни камраб турган ўлим қўрқувидан чалғитишга ёрдам берар эди. Муаллиф асарлари доридек китобхонларнинг дардларига малҳам бўлар эди. Кристи романлари китобхоннинг фикрлаш доирасини кенгайтиришга ёрдам берар, шу билан китобхон диққатини бир нуқтага жамлай олар эди. Бир сўз билан айтганда, худди шахмат ўйини кучли тафаккур талаб этгани каби, муаллиф асарлари ҳам шундай идрок талаб этар эди ва Кристи китобхонлар билан ўйин ўйнар ҳамда унда ғолиб бўлар эди. Даврнинг машҳур детектив ёзувчиларидан бири саналмиш Агата мумтоз

адабиётни жуда яхши билар ва севар эди: Шекспир, Диккенс, Жейн Остин. Аммо баъзи адабий танқидчилар китобхонларнинг Кристи ижодига муносабатларидан жаҳллари чиқар ва “Рожер Экройдни ким ўлдирганини нима қизиғи бор?” , деб норозилик фикрларини билдирар эдилар. Бироқ бу миллионлаб китобхонларга жуда қизиқ эди – нафақат уй бекалари, балки профессор идора ходимларигача, черков руҳонийлари, сиёсатчилар, ҳаттоки қирол оиласига, айниқса малика Елизаветтага ҳам (чунки кейинчалик қиролича бўлгач муаллифга қирол оиласи унвонларидан бири билан тақдирлайди)[1] . Бир сўз билан айтганда, кўпчиликка бу асарлар қизиқ эди.

Асосий қисм. Агата Кристи устозлари Эдгар Аллан По ва Артур Конан Дойл ижодини яхши ўзлаштирган эди. Уларнинг яратган тажриба маҳсулига ўзининг бетакрор хиссасини кўшди: ҳийлакор усуллар, юзаки хулосалар ва тузоқларнинг пухта ишлаб чиқилган стратегияси – буларнинг бари китобхонни диққатини таранг ҳолда ушлаб туришнинг воситаси эди. Худди Эдгар Понинг асосий принципида бўлганидек, ёки Дойл ўзининг Шерлокини яратишдаги қўллаган услубидегидек, Кристи ҳам жумбоқнинг асар сўнгига қадар ечимини сездирмасликнинг устаси бўлди. Асар бошида китобхонни ўйлантирган жумбоқ охириги бўлимда ечилади ҳамда умуман кутмаган қахрамон жиноятчи бўлиб чиқади. Шундай қилиб романдан романга бу анъаналар кўчиб, бир қатор мислсиз даражадаги кучли детективлар вужудга келди.

Агата Кристини ҳар доим шахснинг сиёсий ва маънавий эркинлиги муаммоси қизиқтиради, чунки бу XX асрнинг энг ўткир муаммоларидан бири эди. 30-йилларда уни фашизм муаммосининг бутун дунёни қамраб олиши ҳам ташвишга солади. Шу боисдан Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши билан “Ҳеч ким қолмади” (1939) яратади ва унда ўликлар билан тўла “дахшатлар қасри” бўлган “қора орол” ҳақида асар вужудга келади. Бу асар – Агата Кристининг энг шафқатсиз романларидан бири. Унда ўзига хос жазога тортувчи куч – ақлдан озган судья Уоргрейв ва ҳаммани ўлимга маҳкум этиши. Воқеалар эса болалар санок ўйинига асосланади ва ҳар бир сон камайиши билан қасрда биттадан меҳмонлар вафот этади – уйқудан уйғонмайди, бирини ари чақади ва ҳоказо. Айнан асар мазмунини реал ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатлари ташкил этади. Ҳақиқий ҳаётда инсон зулмидан кучлироқ нарса мавжуд эмас. Мана шу фикр романда ишининг устаси томонидан моҳирлик билан тасвирланади ҳамда мислсиз равонлик билан баён этилади. “Мен бу асарни ёзилишига кўлдан келганча бор кучимни сарфладим ва натижасидан мамнунман. Воқеалар баёни равон, мақсадли, жумбоқли, динамик, шу билан бирга ҳар бири ўз ечимига эга”[2] . Бундан ташқари, Эдгар По бошлаб берган “қизиқарли” билан кўрқинчлини ҳамоҳанг уйғунлаштирган ҳолда, “дахшат” анъанасини моҳирлик билан ривожлантиради.

Шундай қилиб, 1939-йилда “And There Were None” – “Ҳеч ким қолмади”

романи босмадан чиқади. Дастлаб у “Ўнта негр боласи” – “Ten Little Indian Boys” номи остида чоп этилади, чунки воқеалар ҳиндулар оролида ва болалар шеърига мос равишда бўлиб ўтади. Бу услуб бошқа муаллифларда учрамайдиган услуб бўлиб, Агата Кристининг ўзига хос детективи эди. Сарлавҳа ҳам худди шу шеърдан олинган эди, аммо кейинчалик муаллиф шеърнинг сўнги қаторини сарлавҳа сифатида танлайди.

*“Ten little Indian boys went out to dine;
One choked his little self and then there were nine.
Nine little Indian boys sat up very late;
One overslept himself and then there were eight.
Eight little Indian boys travelling in Devon;
One said he'd stay there and then there were seven.
Seven little Indian boys chopping up sticks;
One chopped himself in halves and then there were six.
Six little Indian boys playing with a hive;
A bumblebee stung one and then there were five.
Five little Indian boys going in for law;
One got in Chancery and then there were four.
Four little Indian boys going out to sea;
A red herring swallowed one and then there were three.
Three little Indian boys walking in the Zoo;
A big bear hugged one and then there were two.
Two little Indian boys sitting in the sun;
One got frizzled up and then there was one.
One little Indian boy left all alone;
He went and hanged himself and then there were none”.*
Vera smiled. Of course! This was Indian Island![3] ”

Баъзида муаллиф ўтмишдаги ёзувчиларнинг асарларидаги баъзи воқеалардан ўринли фойдаланди. Масалан; Эмили Бронте ўзининг “Wuthering Heights” романида лондонлик Локвуд Ҳитклифнинг уйида тунайди ва тўсатдан тунда деразанинг тақиллашидан уйғонади. Ўрнидан турганида деразанинг орқасида йиғлаб уйга киришга рухсат сўраётган қизчани кўради, ниҳоят деразани синдиради. Хонага кириб улгурмасиданок, Локвуд уйғонади ва бариси рўё эканлигини фаҳмлайди. Худди шу воқеани “Ўнта негр боласи” (“Ҳеч ким қолмади”) асарида ҳам гувоҳи бўламиз. “. . . Last night she had dreamed of Beatrice-dreamt that she was outside pressing her face against the window and moaning, asking to be let in. But Emily Brent hadn't wanted to let her in. Because, if she did, something terrible would happen. . . .[4]”. Беътиборлиги туфайли чўккан бола мураббия қизни таъқиб қилади. Қиз эса виждон азоби исканжасида руҳий қийин аҳволда қолади.

Асарда бир қатор рамзий манзаралардан кенг фойдаланилади. Кўп

қисмларида бўрон тасвири келтирилади. Дастлаб шафқатсиз бўрон туфайли орол ташқи дунёдан узилиб қолади. Бўрон сюжет воситаси бўлиб хизмат қилади, чунки у ҳеч кимни оролдан қочиб кета олмаслигини ва қотилни эркин ҳаракатини таъминлаб беради. Шу билан бирга, об-ҳаводаги шафқатсизлик Ҳиндулар оролида бўлиб ўтаётган тизгинсиз ҳаракатларни рамзини билдиради. Дастлаб бўрон тасвири Генерал МакАртурнинг мурдасини сохилдан уйга олиб келишганида берилади, бу қотил оролда ғолиб бўлганига ишора эди. Шундай рамзлардан бири Уоргрейвнинг пешанасида қолган ўк изи. Дастлаб судя ўзининг ўлимини сохталаштириб, пешанасида қалбаки ўк изи қўяди, аммо кейин ўз жонига қасд қилиб, ҳақиқий тан жароҳати етади. Судя асар сўнгида тан олганидек, Инжилда келтирилган бир ҳикоя билан боғлиқ. Унга кўра худо илк марта қотиллик содир этгани учун ўз фариштасини жазолаб, пешанасига жароҳат етказди. Бу – судяни ўз гуноҳини ўша фаришта гуноҳи билан бир хил эканлигини тан олганини ифодалайди. Чунки уларнинг иккаласи ҳам ёвузлик рамзи, шунинг билан бирга қотилдир.

Хулоса. “Ҳеч ким қолмади” ёки дастлаб чоп этилгани каби “Ўнта негр боласи” романи ҳақиқий детектив асарлар сирасига кириб, у бу жанрда ёзилган асарлардаги анъаналарни нафақат давом эттирди, балки ўзидаги бетакрор услуби билан бу жанрни бойитди. Бу хусусиятлар сирасига қахрамонларнинг нутқи, рамзларнинг қўлланиши ҳамда муаллифнинг аввалги муаллифлар ижоди билан ўз тажрибасини қоришиқ ҳолда қўллаган услуби киради. Бу хислатлар мазкур асарни детектив жанрида ёзилган шоҳ асар даражасига кўтара олди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Azizov Q, O. Qayumov, “Chet adabiyoti tarixi (XVIII-XX asrlar)”. T: “O'qituvchi”, 1987.
2. Аникин Г. В., Михальская Н. П. История английской литературы. – М.: Высшая школа, 1985.
3. Тугушева М. “Под знаком четырёх: о судьбе произведений Эдгара По, Артура Конан Дойла, Агаты Кристи, Жоржа Сименона”. М.: “Книга”, 1991.
4. Норматова Ш. “Жаҳон адабиёти”. Олий ўқув юртлари учун қўлланма. Т: “Чўлпон”, 2008.
5. https://www.researchgate.net/.../270904804_And_then_there_were_none_Agatha_Christie
6. Файзуллоев О. М. ОБ ОСОБЕННОСТЯХ ИНТЕРПРЕТАЦИИ УЗБЕКСКИХ СКАЗОК //Theoretical & Applied Science. – 2018. – №. 12. – С. 212-215.

7. Fayzullayev M.B, Fayzulloyev O.M, & Saidova M.M. (2021). Images of animals in the Legends of Haji Nasretdin. Middle European Scientific Bulletin, 10(1). <https://doi.org/10.47494/mesb.2021.10.328>